

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳарбий факультети  
Чақирикқача ҳарбий таълим йўналиши**

**32-гуруҳ талабаси Ҳақимов Абдумўминнинг**

**Социология фанидан ёзган**

# **РЕФЕРАТИ**

**МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ, МАЗМУН, МОҲИЯТИ ВА  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Бухоро - 2014

**РЕЖА:**

- 1. ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ, МАЗМУН МОҲИЯТИ.**
- 2. ШАХС ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ.**
- 3. ТАЛАБА ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ.**
- 4. ХУЛОСА**
- 5. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

Мамлакат таракқиёти, унинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожини, шу мамлакатнинг инсонпарвар маънавий-маърифий ва тарбиявий мақоми билан белгиланади. Бу мақом жамият, халқ, миллат манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, бурч, масъулият, мажбуриятни теран англаб камолот сари интилувчиларни вояга етказишга хизмат қилади. Шунингдек, бу мақом узлуксиз таълим тизимидаги ислохотларни янада такомиллаштириш, мустақил Республикамизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ўзлигимиз, ғуруримиз, фахримизни англаш, демократик ўзгаришларни мустаҳкамлаш ҳамда янада чуқурлаштириши, Ватанимизга хавф солаётган ҳар қандай кўринишдаги ғояларга қарши курашиш, аجدодларимиз яратган бебаҳо маънавий мерос, миллий урф-одат, анъана, кадриятларга суяниш, бир-биримизни ҳар жиҳат қўллаб-қувватлашга ёрдам берувчи **фуқаролик маданияти** асосларини ҳар бир ёш авлодда шакллантириш дастурламчи бўлиб хизмат қилади.

Чунончи, бобнинг биринчи қисмида кўриб ўтганимиздек фуқаролик маданияти шаклланган инсон ақл-заковат эгаси бўлиб, яратувчилик, бунёдкорлик, ташаббускорлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, Ватан ва халқига меҳр-муҳаббат, фахр ва ифтихор туйғулари билан қарайдиган, ахлоқий-ҳуқуқий бурч, элат ва миллат олдидаги масъулиятни теран англайдиган шахсдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти шахсининг фуқаролик маданияти шакллантиришнинг шакл, метод, воситаларини ишлаб чиқиш педагогика назарияси ва амалиётини биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади. Аммо, бу жуда мураккаб ва кўп қиррали педагогик жараён дир. Бунинг учун, аввало, «фуқаро», «маданият» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини фалсафа, этика, эстетик, педагогика психологик ҳамда маданиятшунослик назариялари нуқтаи

назаридан илмий асослаш лозим. Бу эса мазкур тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий тараққиётдаги аҳамиятини англаб етиш, ҳамда талаба-ёшларда фуқаролик маданияти асосларини шакллантириш жараёнини белгилаш учун муҳим педагогик ҳодиса ҳисобланади.

Фуқаролик маданияти тушунчасининг мазмун—моҳиятини дастлаб «фуқаролик», «маданият» тушунчаларига берилган таърифлар кесмида кўриб чиқиш ва сўнгра «фуқаролик маданияти»га педагогик таъриф бериб, уни талаба-ёшларда шакллантириш шарт-шароитларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, муаммони ойдинлаштиришга ёрдам беради.

«Фуқаролик,-деб қайд этилади фалсафа қомусий луғатида,-кишини қайси миллатга мансублигини эмас, балки муайян мамлакатга, шахс яшаб турган маконга мансублигини ифодаловчи тушунчадир». Бунда фуқаролик тушунчаси кишининг маълум бир миллатга мансублигини эмас, балки муайян мамлакатга мансублигини англаиб, шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифодалайдиган восита ролида бўлади. Шунга асосан ҳар қандай инсон ўзи яшаётган давлатни тан олса, унинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилса, ўз мамлакатининг давлат рамзлари: конституцияси (унинг асосида чиқариладиган қонунларни) тан олса, тамғаси, мадҳияси, байроғи, пули (валюта), армияси билан фахрланса, миллати, ирки, жинси, касб-кори, ижтимоий келиб чиқиши, динга бўлган муносабатидан қатъий назар, шу давлатнинг фуқароси бўла олади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлим, олтинчи боб, 22-бандига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди». Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси

конституцияси ва Ўзбекистон фуқаролик кодексларида фуқароларнинг тенг ҳуқуқга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ватанимизнинг салоҳияти ва обрўйини янада оширайлик» номли маърузасида Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлиги, келажак учун курашиши тўғрисида сўз юритилиб шундай дейилади: «... Ўзбекистонда яшайдиган фуқаролар, ўзларининг наслу насаби, ирқи, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли бўлиши лозим! Шу юртнинг хурсандчилик кунларида ҳам, бошига синов тушган пайтларида ҳам, аҳил оила бўлиб яшаши керак, муносиб келажак учун курашиши керак!».

«Ватан туйғуси» рисоласининг муаллифлари (А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев) «фуқаро» ва «фуқаролик» тушунчасига таъриф бериб, шундай ёзадилар: «Ҳуқуқий ўрни қонун билан мустаҳкамланган шахснинг давлат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъий назар, маълум бир давлатга қарашлигига фуқаролик дейилади, шундай ҳуқуқга эга шахс фуқаро деб аталади» .

Тарихда «Фуқаро» сўзи ўрнида табаа, раият сўзлари ҳам ишлатилган. Бу сўзлар мазмунида инсоннинг камтарлиги, оддийлиги қайд этилиб, аждодларимизнинг «мен» сўзини ишлатиши одоб юзасидан бўлмай кибр ҳаво, манманликни англатган. Шунинг учун одобли инсонлар бир-бирларига «фуқаро», «фақир ҳақир» деб мурожаат қилганлар. Бундан маъно шуки, ниҳоятда камтаринлик, оддийлик, хокисорлик, бечораликка нисбат «фуқаро» сўзи орқали ифодаланган.

«Мустақиллик: изоҳли илмий–оммабоп луғат»ида қайд этилишича «Фуқаролик» тушунчаси қадимий Юнонистон ва Римда пайдо бўлган, аммо, ўзининг асл маъносини кейинчалик французча «ситуайн»

ингилизча «ситизен», русча «горожанин», «гражданин» сўзлари ташкил этган ва у қолоқ қишлоқ, мустабид феодал муносабатларидан озод, эркин инсон деган маънони билдирган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, халқимизнинг асрлар давомидаги орзу–истаклари озодлик, эркинлик, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли, фуқаролик жамияти қуришга киришилгандан сўнг, бу сўз инсонпарварлик нуқтаи назарида ишлатила бошланди. Шундан: «Фуқаролик деганда, инсонни ҳуқуқий ёки сиёсий–ҳуқуқий томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатларининг ушбу давлат ичида ва унинг ташқарисида ҳимояланиши тушунилади»,–деб таърифланади луғатда (85, 226). Давлат ва шахс муносабатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, қуйидаги ижтимоий қоидаларга асосланади:

-мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар тили, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги;

-эркаклар ва аёлларнинг тенглиги;

-фуқароларнинг шахсий, ижтимоий келиб чиқиши, мулки, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги;

-фуқароликни қай тарзда қабул қилганлигидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқий ҳолатининг бир хил белгиланганлиги;

-бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқароликнинг ўрнатилганлиги;

-«икки давлат фуқароси» бўлиш қонун билан ман этилганлиги;

-фуқароликни олиш ва тўхтатиш тартиби ҳуқуқий ҳал этилганлиги;

-ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда, болалар фуқаролигининг ўзгариши тартиби аниқ белгиланганлиги;

-фуқаролик масалалари бўйича ҳуқуқий актларни қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги;

-фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартибининг аниқ равшанлиги;

-фуқаролик бўйича халқаро шартномалар турлари, характери қонунда аниқ белгиланганлиги» (85, 226).

Мазкур ижтимоий қоидалар муайян мамлакатда яшовчи ва ушбу мамлакатнинг конституцияси, қонунларини тан олувчи давлат рамзларини ҳурмат қилувчи, уларга фахр ва ифтихор назари билан қаровчи, инсоний ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган, давлат ичкариси ва ташқарисидаги манфаатлари ҳимояланган муайян жамиятнинг эркин, озод, фаол, ўзини-ўзи фаол бошқара оладиган инсонларига «фуқаро» ёки «фуқаролик» деб аташ қабул қилинган. Биз “Фуқаролик” сўзининг мазмуни, таърифи ва изоҳи билан танишиб чиқдик, энди “Маданият” тушунчасининг мазмун-моҳиятини қараб чиқайлик.

Маълумки, маданият, маърифат, фуқаролик каби масалалар эрампдан олдинги тарихий тараққиёт босқичида ҳам, ундан кейинги давр тараққиётида ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолади. Кишилиқ жамиятнинг дастлабки минг йиллигида Бақтрия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна, Парфия, Зарафшон, Паркана, Паркент, Пойканд каби ўлкаларда дастлабки меҳнат қуроли маданиятнинг турлари пайдо бўлиб, улар инсоният ҳаёти ва фаолияти тараққиёти давомида такомиллашиб борган. Шундан маданият назариясига асос солиниб, унинг тарихига катта эътибор билан қарашган. Шундай экан «Ватан тарихи ва маданияти, жуғрофияси ва иқтисодиётини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимида мазкур масалага доир фан ва билимларни ўқитиш муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи керак»

(8,204). Шунинг учун ўтмишда ва ҳозирги даврда ҳам жаҳон файласуфлари, этика, эстетика фани намоёндалари, маданиятшунослар, педагоглар, психологлар “Маданият” тушунчасининг моҳият-мазмунини, инсон ва жамият кесимида кўриб чиқиб, унинг илмий-назарий ва амалий асосларини аниқлаш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратганлар.

Жумладан, америкалик олимлар А.Кребер ва К.Клакхонларнинг таъкидлашича, биргина «маданият» тушунчасининг 257 тадан ортиқ таърифи мавжуд бўлиб, ушбу тушунча ижтимоий ҳодиса сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг интеллектуал ҳаёт намуналарини бирлаштирувчи маънавий озиқа шаклида тавсифланган.

Юқорида эътироф этилганидек, жамият маданий ҳаётини илмий-назарий асослаш учун Биз маданият тушунчасининг мазмун-моҳиятини «Маданият ва фуқаролик жамияти», «Маданият ва инсоннинг маънавий камолоти», «Маданият ва инсоннинг турмуш тарзи», «Инсон ҳаётининг моддий ва маданий асослари» кесимида қараб чиқишни лозим топдик. Чунки жамиятнинг иқтисодий-маънавий тараққиётида ҳам, инсон камолотида ҳам, эркин ва фаровон турмуш тарзини ташкил этишда ҳам, маданият ва унинг ўзаги ҳисобланган миллий ҳамда умуминсоний маданият асосий ўрин эгаллади. Шу маънода маданият ўтмишга, бугунга ва келажакка йўналтирилган ижтимоий ҳодиса ҳисобланиб, у инсон ва жамият муносабатини, шахс фаолиятининг сифат кўрсаткичини ва пировард натижада инсоннинг ўзини юксак даражада англатувчи омил бўлиб қолади.

«Маданият» тушунчасининг шажарасига назар ташлар эканмиз, бугунги кунда унинг талқини, мазмун-моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги, ўрни «Фалсафа», «Социология», «Этика», «Эстетика», «Педагогика», «Психология», «Диншунослик», «Маънавият асослари»,



«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» каби фанларнинг мазмунида ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. Ушбу фанларда «Маданият»га берилган таърифлардан маълумки, маданият баркамол инсонни шакллантириш, ёш авлодни ҳаётгатайёрлаш ва уни ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар бўлиб етишишларини таъминлаш, Ватанни чексиз меҳр-муҳаббат билан севиш, буюк келажакка яратувчанликни, ҳис-туйғуси билан қаровчиларни тарбиялаш назарий сифатида тавсифланган. Жумладан, фалсафа луғатида қомусий «Маданият» (араб.-мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган)-табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усули» (136, 230), деб талқин қилинса, «Ўзбек тилининг изоҳли» луғатида «Маданият - жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар мажмуи...» деб таърифланган. Иккинчи бир жойда ... ўқимишлилик, таълим–тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифатли»-(143, 439) деб изоҳланади. Демак, бу таърифлардан келиб чиқиб маданият тушунчасини ижтимоий-иқтисодий ҳаётда моддий ва маънавий бойликларнинг назарий негизини ташкил қилишга йўналтирилган, инсонларнинг ўқимишлилиги, билимдонлиги таълим-тарбия кўрганлигини акс эттирувчи куч деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам у ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг жисмоний-маънавий асосига, шахс камолотига муносиб ҳисса қўша оладиган ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳисобланади.

Рус файласуфи А.К.Круглова ўзининг «Социализм. Культура. Человек» номли монографиясида маданиятга шундай таъриф беради: «Маданият - бу жамият, айрим гуруҳлар ва шахс эҳтиёжини қодиришга йўналтирилган, инсон моҳияти ва кучлари натижалари сифатидаги аниқ тарихий воситалар тизимидир»

Бу таърифда ҳам маданият тушунчаси моддий ва маънавий тараққиётда, инсоннинг ижтимоий моҳиятини тадқиқ қилувчи, унинг озодлиги, эркинлиги, фаоллигини заруриятга айлантирувчи жараён сифатида тавсифланмоқда. Шунинг учун бугунги миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида, маънавий покланиш ва юксалиш учун кураш авж олиб бораётган бир даврда маданият назариясини педагогик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ва маданиятга инсон камолотининг муҳим омили сифатида қараш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. Демак, маданиятни инсоният тарихий тараққиёти учун, муҳим моддий ва маънавий бойликларни бунёд этувчи омил деб тушуниш, унинг яратувчиси, такомиллаштирувчини эса ижодкор халқ деб билиш мақсадга яқиндир. Шу маънода маданият ўз мазмун, моҳияти ва хусусиятлари, функцияларига кўра инсон ва жамият тараққиётида муҳим мавқега эга. Ушбу фикрга монанд ҳолда маданиятшунос олим К.Амонов маданиятга шундай таъриф беради: «Маданият - инсониятнинг борлиқ ва онгининг барча соҳаларидаги, у ёки бу маданий бойликларда ўз ифодасини топган тажрибаларни ўзлаштиришга асосланган, табиат, жамият ва инсоннинг ўзини янада қайта қуришга сафарбар этилган ижодий –маънавий фаолиятдир».

Дарҳақиқат, маданият жамиятдаги моддий ва маънавий ҳаётга бўлган муносабат, ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирувчи омил тарзида таҳлил қилиниши фалсафий-педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Шу маънода маданият назариясининг асосий мазмун-моҳиятини, йўналишларини ва аниқлаштириш, унинг инсон ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини жаҳон ижтимоий-иқтисодий фанлари миқёсида таҳлил қилиш масалани анча ойдинлаштиради. Шу маънода Республиканинг таниқли олимлари У.Таджихонов ва А.Саидовлар

ўзларининг «Хуқуқий маданият назарияси» номли дарсликлариди жаҳон ижтимоий фанлари тизимида маданиятга уч хил ёндашув мавжудлигини таъкидлайдилар. Булар:

«... биринчидан, антропологик ёндашув;

иккинчидан, социологик ёндашув;

учинчидан, фалсафий ёндашув;

**Антропологик ёндашувда** маданият табиат яратган нарсалардан фарқли равишда, инсон томонидан яратилган неъматларнинг йиғиндиси сифатида тушунилади.

**Социологик ёндашув** эса маданиятни маънавий қадриятлар сифатида талқин этади. Бу ерда маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида қатнашади ва ниҳоят, **фалсафий ёндашувда** маданий ҳодисалар ижтимоий ривожланишга боғлиқ бўлмаган, соф таҳлилий ҳолда ажратилиб кўрсатилади».

Маданиятни моддий ва маънавий омилларнинг бирлиги, уйғунлигида эътироф этиш, уни шахс кесимида қараш учун муҳим манба ҳисобланади ва у фуқаролик маданияти йўналишларини белгилаш учун асос бўла олади. Чунончи, моддий омил ўз навбатида, маънавий омилни тўлдирса, маълум маънода маънавий омил ҳам моддий омилнинг бутунлигини таъминлашга ёрдам беради. Шунинг учун уларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, яъни фуқароларнинг моддий эҳтиёжлари, маънавий омиллар орқали қондирилса, маънавийлик моддийлик асосида таркиб топади. Бу маданиятга гносеологик нуқтаи назардан қарашни англатади.

Шу маънода жамият, инсон ва маданият тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Жамият инсонларсиз, маданиятсиз ривожланмаганидек, маданият ҳам жамиятдан, инсон ҳаёти ва

фаолиятидан ташқарида бўла олмайди. Зеро, жамиятнинг моддий ва маънавий ривожини маданий-маърифий омилларнинг яхлитлигида шаклланади ва камолотга етади.

Шунинг учун ҳам маданият тушунчасини фалсафа, этика, эстетикада кўп қиррали мураккаб маънавий, ижтимоий ҳодиса сифатида тавсифлаб, гуруҳларга бўламиз. Масалан, маданият тушунчасини онтологик, мантикий ва гносеологик нуқтаи-назардан таърифлаб, унинг ривожланиш қонуниятларини инсоният тарихий тараққиётининг маҳсули тизимида кўриб чиққан академик Э.Юсупов маданиятни шундай таърифлайди: «Маданият-бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоийқисий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизмидир».

Ўрта Осиё халқларининг илк уйғониш даври маданиятини тадқиқ қилган файласуф олим М.Хайруллаев ўзининг «Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти» рисолида маданиятга шундай таъриф беради:

«Маданият-бу қурилиш ишлари, савдо-сотик, хунармандчилик, таълим тарбия марказлари, китоб ёзиш, архитектура, китобхонлик, илмхонлик, ёзув ривожини кабилардир».

Маданиятшунос олимлар М.Абдуллаев ва М.Мирюсупованинг ёзишларича, «Маданият лотинча «культура» маъносини ифодалаб, даставал ерга ишлов бериш, ерни парваришлас, деҳқончилик меҳнати деган фикрни ифодалаган. Кейинчалик бу сўз маърифатли бўлиш, тарбия кўрганлик, билимли бўлиш мазмунида қўлланилган»

«Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп» луғатида «Маданият» тушунчаси” ... моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, хулқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод,

илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан боғлиқ кенг қамровли воқеадир-мазмунда таърифланади. «Социология» ўқув қўлланмасида маданият атамаси кенг маънода қўлланилиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий-маънавий ҳаётида ёки бирор ижтимоий гуруҳ ва халқнинг маълум даврда қўлга киритган ютуқлари, фуқароларнинг ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлилик, зиёилик ва маърифатлилик даражасини, ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шартлари йиғиндисини билдирувчи омил сифатидашундай таърифланади: «Маданият кишиларнинг яратувчанлик фаолияти, мақсадли саъй-ҳаракатлари натижасида моддий ва маънавий кадриятлар бўлиб, шахсни шакллантириш ва камолотида муҳим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир».

Фалсафа фанида маданият инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги камлотини, унинг инсоний хусусиятларини ифодаловчи меъёр тарзида тавсифланиб, ҳодиса ва инсонлар томонидан яратилган кадриятлар мажмуаси деб изоҳланади. Бунда маданият инсоний маъно ва мазмун касб этиб, моддий ҳамда маънавий кадриятлар яхлитлигини англатувчи манба сифатида талқин қилинади. Маданиятнинг ушбу сифатий хусусиятидан келиб чиқиб, “Фалсафа” ўқув қўлланмада: «Маданият инсоннинг фаолияти жараёни, унинг оқибатида яратилган моддий ва маънавий кадриятлар бўлиб, шахсни шакллантириш ва камолотида муҳим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир» - деб таъриф берилган.

Шунга асосан маданият тушунчаси фаол ижодий фаолият маҳсули сифатида баркамол инсонни шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Зеро, у билим, ахлоқ, таълим–тарбия, фалсафа, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор, асотирлар, дин ва шу кабилар сингари аҳамиятлидир.

Илмий–назарий таълимотлар ва тадқиқотимиз шундан далолат берадики, маданият узок тарихий тараққиётга эга. Қадимда кишлоқларда деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларга ишлов бериш, парвариш қилиш маданиятига эга бўлиш эҳтиёжини келтириб чиқарган. Шунинг асосида одамларда деҳқончилик ва чорвачиликдан унумли ҳосил олиш учун билимга, таълим-тарбияга зарурият туғилган. Билим эгаллаш, таълим-тарбия кўриш инсонларнинг ўқимишли, саводли бўлишига сабаб бўлган. Бундай хусусиятли кишиларни маданиятли инсонлар деб ҳисоблаганлар. Шу асосда онг, меҳнат, нутқ, тафаккур ривожланиб борган. Натижада ҳунармандчилик, архитектура, савдо-сотик, илм-фан, санъат, таълим-тарбия ривожланган. Маданиятнинг моддий ва маънавий жиҳатлари ривожланиши касбларнинг кўпайишига, у эса, ўз навбатида тарбиянинг ихтисослашган кўринишларда вужудга келишига олиб келган. Одамлар тўпланган тажрибаларини тарбия воситасида билим, кўникма, малака шаклида ёшларга, келажак авлодга етказишга ҳаракат қилган.

Маданият ва унинг айрим таркибий қисмларини ёшларда шакллантириш илмий-педагогик жиҳатдан ҳам маълум даражада ечимини топа олган

Жумладан, ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришни тадқиқ қилган, педагог олима О.Мусурмонова маданиятини шундай изоҳлайди: «Маданият тарихий характерга эга бўлиб, кишиларнинг моддий ва маънавий ҳаётга эҳтиёжи ошиши натижасида пайдо бўлган ва уларнинг маънавий хатти-ҳаракати, хулқ-атвори нормаларини ўз мазмунида ифодалаган. Шахс ва жамиятнинг (ижтимоий, иқтисодий, маънавий) ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган фаолият йиғиндисидир» (86, 8). Шу билан бирга муаллиф маънавий маданият

тўғрисида сўз юритиб шундай ёзади: «Шахс ташқи олам, воқеа ва ҳодисаларни ақл, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфиятлар орқали қабул қилиб олиш жараёнида маънавий маданият ташкил топади» (86, 9).

Масаланинг ахлоқий жиҳатлари, яъни шахснинг инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, сахийлик, хокисорлик, оилага, ота-онага, ёши улуғларга ҳурмат нуқтаи назаридан тадқиқ қилган У.Маҳкамовнинг «Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари» номли диссертация ишида «Ахлоқий маданият-бу мустаҳкам ахлоқий билим, кўникма ва малака бирлигига эришиш, инсоннинг тафаккурини ва муомала маданиятини шакллантириш, хулқ ва интизоми билан намуна бўлиш, жамиятда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга ўз фаолиятининг асосий негизи сифатида қараш, жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий қоида ва меъёрларга кундалик ҳаётда риоя қилиш, оилада, жамоада, жамиятда маънавий-руҳий муҳитни яхшилашга ва такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш натижасида кишиларга бахт ва қувонч келтириш, бурч, иймон каби фазилатларни ўзида мужассамлаштириш демакдир», - деб тавсифланади.

Муаммонинг ҳуқуқий йўналишларини ўрганган ва ҳуқуқий маданият назарияси, кесимида тадқиқ қилган У. Таджиханов, А.Саидовлар маданият тушунчасига қуйидагича таъриф берадилар: «... ҳуқуқий маданият деганда, жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даражасини, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик даражасини, фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражасини тушунамиз».

Юқорида зикр этилган таърифлар мазмунидан, келиб чиқиб айтиш мумкинки маданият тушунчасининг қамрови кенг, салмоғи катта. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

-маданият инсон ҳаёти ва меҳнатининг негизидир;

-маданият инсоннинг ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлилик, маърифатлилиги каби фазилатлар белгиси бўлиб, фаолиятнинг ранг-баранг натижаларини акс эттиради;

-маданият мазмунан ва моҳиятан инсон ижодкорлигининг асоси бўлиб, айна пайтда инсоннинг ўзи ҳам маданият маҳсулидир;

-маданият табиий-мантиқий ва тарихий жараён фаолиятида акс эттирувчи тизимлардан иборат;

-ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг маданий жараёни-бу жамиятнинг яхлит маҳсули бўлган инсоннинг ўзини шахс сифатида шакллантиришдир.

Ушбу хулосалар маданиятнинг инсон учун ҳам, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва сиёсий тараққиёт учун ҳам зарурий ҳодиса эканлигидан далолат беради. Шундай экан, фуқаролик жамиятини қуриш шароитида маданият муҳим ижтимоий иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этади. Чунки маданият предметлари, меҳнат қуроллари ишлаб-чиқариш воситалари ва муносабатлари, илмий билимлар, маънавий мерос, кадриятлар шундай жамиятни қуришнинг асосий омиллари ролини бажаради. Шу маънода маданиятнинг бош функцияси-фаолият субъекти ҳисобланган инсонни ҳар томонлама камолотга етказишнинг муҳим воситасидир. дир.

Шундай қилиб «фуқаролик», «маданият» тушунчаларини фалсафа, социология, маданиятшунослик, этика, эстетика, педагогика фанлари нуқтаи-назаридан таҳлил қилар эканмиз «Фуқаролик маданияти» га - бу фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори, демократик ҳуқуқий



тизим етуклиги сифатида, табиат, жамият тараққиёт қонуниятларини ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнида фуқароларнинг ижодий куч ва қобилиятлари ёрдамида муайян миллат, халқ, Ватан, давлатни раванқ топтириш, унинг моддий ва маънавий бойликларини асраб авайлаб, кўпайтириб келажак авқлодга етказиш ҳамда ўзи мамлакати, халқи раванқи учун мазкур меросдан унумли фойдаланишга қаратилган инсон фаолиятининг юксак намунаси», - деб таърифласак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, фуқаролик маданияти-инсонни моддий ва маънавий жиҳатдан камолотга етказувчи, ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришга фаол иштирокини таъминловчи, унинг фалсафий, сиёсий, педагогик-психологик эҳтиёжларини таъминловчи ва ривожлантирувчи жараён ҳамдир.

Кўриб ўтганимиздек, фуқаролик маданияти инсоннинг маънавий етуклиги ва таълим-тарбия кўрганлигини англатувчи педагогик категория ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун, хусусан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни учун аҳамиятлидир. Чунончи, фуқаролик маданияти шахсдаги инсоний фазилатларни, кадр-қимматни, иймон-этиқодни оширувчи таълим-тарбиянинг меваси ва ақл суянчиғи, маънавиятли инсоннинг шаъни ва ҳикматидир. Шунинг учун ҳам у - Ватанга, жамиятга, меҳнатга, тилга, урф-одатга, тарихга бўлган муносабатларда, хатти-ҳаракатларда, хулқ меъёрлари ва қоидаларида ифодаланувчи ҳодиса ҳисобланади.

Қайд этиб ўтилган хулосаларга асосан таъкидлаш мумкинки фуқаролик маданиятини шакллантириш бу – талаба ёшлар дунёқарашида мустақил жамият ғояларини сингдириш, уларда ўз-ўзининг сиёсий онглилигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг моддий ва маънавий бойлиги

ҳисобланмиш миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик фазилатларини таркиб топтириш, Ватани, халқи, миллати манфаатларини ўз манфаатидан устун қўя олиш, аجدодларимиз яратган маънавий меросни теран англаш, уни асраб авайлаш, кўпайтириш, ўзида ватанпарварлик, ўзлигини англаш ҳис-туйғуларини таркиб топтиришга қаратилган педагогик жараён дир.

Илмий-назарий педагогик таълимот ва тадқиқот натижалари талаба-ёшларнинг фуқаролик маданияти шаклланишининг тузилиши куйидагилардан иборат бўлиши мумкин. .

Шах фуқаролик маданиятини тузилиши

Ижтимоий-сиёсий фаоллиги

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясини ўзлаштириш

Давлат рамзлари: байроқ мадҳия, тамға,  
валюта, армия билан фахрланиш

Фуқаролик тўғрисида қонун ва Кодекси  
билиш

Фуқролик жамияти принциплари,  
қоидаларига риоя қилиш

Диний бағрикенглик мазҳабларни чуқур  
билиш

Диний билимдонлик ва мазҳабларни  
чуқур билиш

Маданий-маърифий тайёргарлик

Фуқролик бурчи, масъулияти ва  
мажбуриятини англаш

Фуқаролик ҳуқуқлари ва муносабатини  
эгаллаш

Миллий ғурур, ифтихор, Ватан  
туйғусини англаш

Фуқаролик онги, тафаккури, тасаввури,  
этикадига эга бўлиш

Инсоний ахлоқ-одоб ва маданий хулқ  
меърларини англаш

Онгли интизом, фуқаролик фаоллигига  
эга бўлиш

Руҳий индивидуал сифатлар

Интеллектуал-иродавий

Инсонпарварлик

ватанпарварлик

мотивацион

эмоционал

иродавий

ташаббускорлик

ишбилармонлик

интизомлик

Жадвалда кўрсатилгандек, шахс фуқаролик маданиятининг асосини унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги ва рухий индивидуал сифатлари ташкил этади. Зеро, шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда олға сурилган ғоялар, илмий дунёқараш, тараққиёт омилини давр талаблари нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўзлаштириш давлат рамзлари билан фахрланиш ҳар бир ёшнинг фуқаролик бурчи эканлигини англаб олишга ундайди. Инсоннинг маданий–маърифий тайёргарлиги эса муайян мамлакатнинг фуқароси сифатида давлат, халқ, ўз оиласи олдидаги бурчи, масъулияти, мажбурияти, ҳақ-ҳуқуқларини теранроқ англашга ва фуқаролик ғурури, онги, тафаккурини ривожлантириб инсонпарварлик, ватанпарварлик, довюраклик, интизомлилик, ишбилармонлик каби рухий-индивидуал сифатларининг шаклланишига кўмаклашади. Шу асосда фуқаролик жамияти ёшлари учун энг зарур ва истиқболли фазилатларни англаб етиш ва уларни ўзида тарбиялаш имкониятиларини яратади. Бунинг учун:

-давлат рамзлари (конституция, байроқ, тамға, мадҳия ва ҳ.к.), фуқаролик кодекси, жамият принциплари, қонун-қоидаларини чуқур билиб олиш;

-бурч масъулият, мажбурият, ижтимоий муносабатларнинг моҳият-мазмунини англаш;

-ўзида фуқаролик онги, тафаккури, тасаввури, эътиқодини таркиб топтириш;

-шахсий-индивидуал сифатларининг ижобийларига эга бўлиш каби хусусиятларга таяниш талаб этилади.

Шундай қилиб, фуқаролик маданияти тузилмаси - шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги, рухий-индивидуал сифатларидан иборат бўлиб, у мустаҳкам ижтимоий-сиёсий

билимларга эга бўлиш, маданий кўникма ва малакалар бирлигига эришиш, фуқаролик ҳуқуқлари, муносабатларни эгаллаш, жамият томонидан қабул қилинган фуқаролик кодекси, қоида ва принципларига кундалик ҳаётда риоя қилиш, оилада, маҳаллада, жамиятда инсоний хулқ-одоб, интизоми асосида фаолият кўрсатиш риоя қилиб, мамлакатни, миллатни равақ топтиришга ўз хиссасини қўшиш, масъулият, иймон, эътиқод каби фазилатларга эга бўлиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, интеллектуал салоҳиятни ўзида таркиб топтириш демакдир.

Шундай қилиб, талаба фаолиятининг маданий манбаи ҳисобланган ижтимоий-сиёсий фаоллик, маданий-маърифий тайёргарлик, рухий-индивидуал сифатлар шахс фуқаролик маданиятининг шаклланишини таъминлайди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат рамзлари, фуқаролик қонуни ва кодекси, фуқаролик бурчи, масъулияти, тасавури тафаккури, инсонпарварлик, ватанпарварлик, интизомлилик каби хусусиятлар талаба хатти-ҳаракати, муомаласини тартибга солувчи тизим сифатида, уларни ижтимоий-маънавий қизиқиши ва эҳтиёжи сари етаклайди ҳамда ташқи муҳитга, одамларга, ишлаб чиқаришга бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Шунингдек, фуқаролик маданиятининг бундай мазмуни ва моҳияти унинг **функцияларини** белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, бизнинг давримиз мураккаб, тўзонли бўлиб, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун инсонларда, айниқса ёшларда, фуқаролик маданиятининг шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди. Бунинг учун муҳим дастурлар ва педагогик таъсирлар тизимини яратиш керак бўлади. Шунга кўра, фуқаролик маданиятининг айрим ёшларга ёки гуруҳларга педагогик таъсир функцияси иқтисодий ва маънавий ҳаёт мутаносиблигини акс эттиришга хизмат қилади. Маълумки, илмий-

техник тараққийёт, фан ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишига олиб келди. Бу юксалиш иқтисодий билимларни маънавий билимларга нисбатан кескин ривожлантириб юборди. Инсон ҳаёти иқтисодий манфаатлар билан шу даражада боғланиб қолдики, натижада айрим ёшларга ёки гуруҳга педагогик таъсирларни ривожлантириш учун имконият бир қадар камлик қилиб қолди. Оқибатда инсон шахси даврнинг кескин ривожланиши жараёнида ўз маънавий юксалишидан маълум даражада орқада қолди. Бу ҳодиса айрим ҳолларда меҳнаткашларнинг фуқаролик ва ахлоқий-ҳуқуқий бурчни адо этишларида номутаносиб ҳолатлар содир бўлишига бошлагга олиб келди. Масалан, айрим ёшлар гуруҳлар давлат идоралари раҳбарлари, ташкилот мутассадилари ёки ҳуқуқ-тарғибот органлари мутассадиларининг фуқаролик маданияти пастлиги туфайли кўпгина ҳолларда ахлоқий–ҳуқуқий бурчни бажаришда нотўғри йўл тутиш вазиятлари содир этила бошланди. Гарчи улар ҳуқуқий билимларни мукамал эгаллаган, қонун-қоидаларни чуқур биладиган бўлсаларда, амалда баъзан қонунларни, тартиб-интизомни бузилишига йўл қўядиган бўлдилар. Гоҳида ўз мавқеларидан фойдаланиб «қонунни четлаб ўтиш»га ҳам ҳаракат қила бошладилар. Ёки қонунни бузадиган шахсларга нисбатан бефарқ қарайдиган, ғайриқонуний ишларни қилувчиларга мурасасиз бўлиш ўрнига, уларга йўл очиб беришга ҳаракат ҳам қиладиган бўлдилар. Фуқаролик маданияти ёшларга ёки айрим гуруҳларга педагогик таъсирлар функциясининг бажарилмаганлиги сабабли меҳнаткашлар оммаси бундай ҳолатларни сезмай ҳам қолдилар. Шунинг учун ёшларга ёки айрим гуруҳларга педагогик таъсир ҳар бир фуқаронинг амалий хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, тартиб-интизоми унинг ахлоқий-ҳуқуқий бурчга қандай муносабатда бўлганлигига баҳо бериш учун бош мезон ролини ўтамоғи

лозим. Бу фикрларни баён этишдан мақсад мамлакатда фуқаролик маданиятининг ёшларга ёки айрим гуруҳларга педагогик таъсир функциясининг зарурий ижтимоий-педагогик ҳодиса эканлигини қайд этишдир. Чунончи, кишиларда, айниқса ёшларда, фуқаролик маданиятини шакллантириш, бунинг учун тарбиявий тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, ҳозирги давр учун кечиктириб бўлмайдиган ҳол ҳисобланади.

Шу ўринда шуни ҳам алоҳида эътироф этиб ўтиш жоизки, инсон қанчалик иқтисодий омиллар билан банд бўлмасин, ишлаб чиқариш жараёни, уни қанчалик қамраб олган бўлмасин барибир у истаса, маънавий омиллар ва тарбивий таъсирларга эҳтиёж сеза олади.

## АДАБИЁТЛАР.

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавий енгилмас куч-Т. Маънавий 2008.-176 б.
- 2.Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Ахлиддинов.-Тўлдирилган 2-нашри.-Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000, 248 б.
- 3.Маданиятшунослик. Олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма. Нашрга тайёрловчи масъул муҳаррир фалсафа ф.ф.д М.Абдуллаев.- Фарғона нашриёти, 1997-180 б.
- 4.Маҳкамов У.И. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. –Т.: фан, 1995-2000 б.
- 5.Махмудов М.Х. Комил инсон аждодлар орзуси: Адабий-фалсафий уйлар Рисола. Маъсул муҳаррир: Р.Ж.Воҳидов.-Т.: «Ёзувчи» 2002.-288 б.
- 6.Тоҳирова Н. Фуқаролик маданияти ҳуқуқий маданият пойдевори: //Ж.Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар.-Т.:2003, 3-4 сон, 87-91 б.
- 7.Хўжаев Б.К. Фуқаролик маданиятининг моҳияти ва унинг шахс камолатидаги ўрни // Ж. Педагогика маҳорат,-2006.-№3, 3-6 б.
- 8.Хўжаев Б.К. Талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантириш. //Ж. Халқ таълими,-2006, №5,18-22 б.
- 9.Хўжаев Б.К. Фуқаролик маданиятини шакллантириш зарурий ижтимоий педагогик муаммо сифатида. Узлуксиз таълим.-2006,-№5.-92-94 б.
- 10..Ғуломов С. Куч-билим ва тафаккурда.-Т.: «Уажбнт» Маркази, 2002-285 б.